

ТАЪЗИЯ



09:51 / 14.10.2020 1998

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали жамоаси «Hilol-nashr» нашриётининг илмий таҳрир ҳайъати аъзоси муҳтарам Атоуллоҳ домланинг укалари Жамолиддиннинг вафотлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳум биродаримизнинг барча эзгу ишларини, солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, садақаи жория ўлароқ қабул айласин, узоқ вақт тортган дардларини барча саҳву хатоларига каффорат қилиб, мақомларини юксалишига сабаб қилсин. Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин.

Мусибатзада хонадон аҳлига, марҳумнинг фарзандлари ва барча яқинларига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, бу мусибатга қилган сабрлари учун, марҳумнинг узоқ давом этган дардига шифо истаб қилган фидокорликлари, жонкуярликлари учун улкан ажру савоблар тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».